2003 YIL 1 IYUL, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№83 (6.608). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

**Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида банд бўлган юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини янада соддалаштириш ва тартибга солиш, товар айланишини рағбатлантириш ҳамда бюджетга солиқлар тушуми тўлиқ йиғилишини таъминлаш мақсадида:**

1. 2003 йилнинг 1 июлидан бошлаб улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар), умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи жорий этилсин.

Мазкур корхоналарда назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда товарлар сотиш ва хизмат кўрсатишдан олинадиган нақд пул тушумини инкассация қилишда белгиланган қоидаларга риоя этиш ялпи даромад солиғини тўлашга ўтишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

2. Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан корхоналарнинг ихтисослашуви, жойлашуви ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган тарзда белгиланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, ялпи даромад солиғи:

улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ялпи тушумдан ягона солиқ тўлаш ўрнига;

чакана савдо соҳасидаги кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ ўрнига тўланади.

Белгилансинки, улгуржи ва чакана савдо корхоналари (шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмалар) ҳамда умумий овқатланиш корхоналари ялпи даромад солиғини тўлаш билан бир қаторда умумбелгиланган тартибда мулк солиғини ҳам тўлайдилар.

4. Улгуржи савдо корхоналарига ўзининг фирма дўконлари орқали нақд пулга майда улгуржи ва чакана савдони амалга оширишга назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ва нақд тушумни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан рухсат берилсин.

5. «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги ПФ-3076-сон Фармонининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 30 июнь

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июн куни Оқсаройда Франция мудофаа вазири Мишел Аллио-Марини қабул қилди.***

Учрашувда давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

- Марказий Осиёда ўз манфаатларига эга бўлган Франция билан алоқаларимизни юксак қадрлаймиз, - деди Ислом Каримов.

Франция томони ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. У мамлакатимизга Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги ўта муҳим давлат сифатида қарайди.

НАТО аъзоси бўлган Франция Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг фаол иштирокчисидир. Шимолий альянснинг ўтган йили Прагада бўлиб ўтган саммитида ташкилотнинг минтақамиз мамлакатларига эътиборини кучайтиришга келишиб олинган эди. Франция мудофаа вазирининг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳамда НАТО билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашишдир.

Учрашувда мазкур масалалардан ташқари, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги тикланиш ишлари борасида ҳам сўз борди.

**(ЎзА)**

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни давлатга 230 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, мамлакатимизда биринчи бўлиб ғалла тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу ғалабани қўлга киритишда Сурхон воҳаси миришкорларининг бой деҳқончилик тажрибаси, ризқ-рўзимиз манбаи - ерга, меҳнатга янгича муносабати, ғайрат-шижоати, доимо янгиликка интилиш каби олижаноб фазилатлари асосий омил бўлгани шубҳасиз.

Сизларнинг об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда кетма-кет ёққан ёмғир, айниқса жала ва дўл сингари табиат инжиқликларини енгиб, бошоқли дон экинларини юксак агротехника талаблари асосида парвариш қилганингиз, ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳар гектар ердан 43 центнердан ҳосил кўтарганингиз бу ҳақиқатни яққол исботлаб турибди.

Келажакка катта умид ва ишонч билан қараб астойдил меҳнат қилаётган сиз, мард ва ориятли, ўз сўзида қатъий турадиган Сурхондарё аҳли бошқа соҳаларда ҳам белгиланган марраларни эгаллашингизга барчамиз ишонамиз.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, ширкат хўжаликлари аъзоларини, механизатор ва мутахассисларни, бир сўз билан айтганда, шу улкан хирмонга ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларни бугунги меҳнат зафари билан яна бир бор қутлайман.

Сиз, азизларга сиҳат-саломатлик, эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларингизда янги-янги ютуқлар, хонадонларингизга эса тинчлик, файзу барака тилайман.

Доимо ишингиз бароридан келсин, бахту омадингизни берсин, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# СУРХОН ДОНИ ДАРЁДАЙ ТОШДИ

***Бугун кўнгилларда ғурур: Сурхондарё давлатга дон сотиш йиллик шартномавий режани уддалади.***

101 минг гектар ғалла, ҳар гектар ердан 43,2 центнердан ҳосил. Сариосиё 50,5 центнердан, Денов 49 центнердан, Қизириқ 47 центнердан. Рақамлар гумбурлатиб гапираяпти.

Олов Сангинов – ижарачи. Сариосиёнинг Охунбобоев ширкат хўжалигидан. 3 гектар ердан 33 тонна дон етиштирди. Гектарига 103 центнер-а! Шартномадан ортиғи – 20 тоннаси ўзига қолди. Олов аканинг ўрнида мен бўлганимдами, қувонганимдан... йиғлаб юборардим. Балки деҳқон қувончининг олдида менинг ҳаяжоним заррадир.

Олов ака мийиғида кулиб қўяди. "Яхши ишладик, худой берди" – дейди. Пулга чақсангиз бир ярим миллион сўм пул.

Сурхондарё ғалласи тўлиб-тошди. Омборларда осмонўпар хирмонлар... Бозорларда дон арзон, нон арзон... ҳар нон тонгда балқиётган қуёшдай... Ҳовлиларда дон уюмлари...

Одамларнинг уйи буғдойга тўлди.

**ФАХР**

Сурхондарё ғалла режасини бажарди... Катта қадимий элнинг жон-жонидан қувончларга қоришиб келаётир бу овоз!

Мирзақул Жўраев ҳам ижарачи. Сариосиёнинг "Охунбобоев"идан. Шартномадан зиёди салкам 10 тоннани унга бепул беришди. Равшан Қодиров Ангор туманининнинг "Қорасув" ширкат хўжалигидан, ижарачи. Шартномани бажариб, ўзига 11 тонна буғдой олди. Зоир ака Холбоев ҳам "Қорасув"дан, режани уддалади. Ўзига 17 тонна қолди... Шерободнинг Улаш Туропов номли хўжалиги ижарачиларга 299 тонна ғаллани бепул тарқатди.

Бугун минглаб деҳқоннинг жажжи невараси пилдираб чопиб келиб, ўзини ҳовлисидаги буғдой уюмига отаётир. Минглаб деҳқон боболар шукрона айтиб, кафтларини дуога очаётир.

Сурхондарё ғаллага тўлди. Қизириғу Сариосиёни кўринг. Президентимиз табригини олди. Шерободу Қумқўрғонни кезинг. Ҳар битта дон деҳқон пешонасидан томган тер томчиларидай. Денову Музрабодга боринг. Ҳар деҳқонки... тоғдай: қадди ҳам, кўкси ҳам, хирмони ҳам.

Нимасини айтасиз, бугун сўз топиш қийин. Ғаллакорнинг меҳнати сўзга сиғмай қолди. Айниқса, хокни ғаллага, тупроқни тиллога айлантиришда фермерларга ҳеч ким тенг келолмади. Сариосиёдаги "Тинчлик", "Феруз", Қизириқдаги "Равшан", "Нурман бобо"... Яна юзлаб фермер хўжаликлари гектарига 80-100 центнердан ҳосил олишди. 1600 та фермер ҳовлисида ғалладан тоғ бунёд.

Деҳқон дангал гапиради: "Кейс" чини билан зўр техника экан. 146 та "Кейс" комбайни ишлади. Дарвоқе, ҳамон ишлаяпти. Ҳали ўрилмаган қанча майдон бор. Донни йиғиштириб олиш юрак уришидай давом этаётир. Сурхондарёда қуёш ерга яқин. Деҳқони Алпомишдай. Шукрким, дарёларда сув мўл. Демак, юрт баракага тўлаверади.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



СУРАТЛАРДА: сурхондарёлик ғаллакорлар ҳаётидан лавҳалар.
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

# МЕН – СЕНИНГМАН, СЕН – МЕНИНГ!

***Ватан. У аслида инсон қалбида, иймонида яшайди. Имонли одам ундан ўзини айро тасаввур эта олмас. Зеро, не-не маҳзун кунлар шоҳиди бўлган аждодларимизнинг покиза руҳи иймони басаломат инсонлар қалби Ватаннинг ўн икки ёшидаги бугунги камолини кўриб, шодумон эканлигига шак-шубҳа йўқ. Албатта, бундай онларда ҳар қандай ақли расо инсон кўнглидан "ким эдигу, ким бўлдик", деган савол кечиши табиий.***

Бугун истиқлол тенгдоши бўлган болакай учун "Яқин ўтмишда сизнинг тенгқурларингиз қиш-қировли кунларда йўқ пахтани деб далаларда изиллаб юрган ёки ҳайит байрамларда, масжидларда ота-боболарингиз жойнамоз устидан қувилганлар", дейилса, ҳайратланарли туюлар. Аммо бу ҳақиқат.

Ўтмишнинг қора кунларида Ватанни, миллатни озод кўриш умидида курашиб осилган, отилган аждодларимизни ёд айлаган ҳолда яқин-яқинларда ҳам камситилган, хом ашё базасига айланиб қолган юрт кечмишини эслаганингизда, Истиқлол туғини кўзга суртгингиз келади.





Шукр, бугун Ватан қуллик кишанларидан халос бўлганига ҳам ўн икки йил бўлибди. Ўн икки йил тарих олдида чақмоқ умрига тенг бир фурсат. Аммо шу йиллар силсиласида ҳур Ватан, эл тарихининг зарҳал, шу билан бирга қора саҳифаларига битгулик воқеаларни бошдан кечириб қўйди. Яна шукроналарким, ҳурлик йўлидан бораётган Ватанимиз залворли одимлари ортидаги улуғвор, жаҳоншумул ишлар ҳалиги қора ниятларнинг асов дарёга қарши оқишга интилаётган ирмоқчалардек гап эканлигини исботлади. Ғанимлар қанча ёниб-куйишмасин, Ўзбекистонни, ўзбекни дунё тан олиб улгурди, манаман деган юртлар у билан ҳисоблашмоқда, ҳамкорлик қилмоқда, унинг ойдин келажагига ишонмоқда.

Истиқлол раҳнамоси бўлган Юртбошимиз бир гапни бот-бот такрорлайдилар: "Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги унинг фидойи, меҳнаткаш халқи". Зеро, юртни бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам шу халқ. Юртимиздаги тўкинлик, тинчлик, тараққиёт халқимизнинг ор-номуси мустаҳкамлиги, нияти поклиги, иймони бутлигидан дарак.

Яқинда Наманганнинг "Шаҳанд" сиҳатгоҳида турли ёш, турли тоифада, турли касбкордаги одамлар даврасида суҳбат мустақиллик, унинг аҳамияти ҳақида борарди. Оққорани таниган зиёлинамо бир киши кўпчиликни ўзига қаратиб, собиқ совет даврини мақтай кетди:

-У даврда порахўрлик, таъмагирлик бу қадар эмас эди. Ҳозир қаерга борсанг, "узат-узат" билан иш битирасан.

Энди фикрга қарши фикр билдирмоқликка чоғланган ҳам эдимки, соддагина, кўринишидан камсуқум аёл гапни илиб кетди:

-Кечирасиз, билмадим кимсиз, қандай лавозимда ишлайсиз, аммо ношукр экансиз. Сизга бошқа далил айтмайман. Бундан ўн икки йил аввалги турмуш тарзимиз билан ҳозиргисини солиштириб кўринг, ҳаммаси аён бўладиқолади. Одамлар уйлар қуришяптими, тўйлар қилишяптими, кийинишларига қаранг, давлат ночорларни ҳимоясига оляптими? Аввал деҳқон бир қарич ерга эгалик қила олармиди?! Таъмагирлик, порахўрликни айтасиз. Бу иллатларни одамларнинг ўзи чиқарган. Ўн йилдан ортиқроқ вақт ичида шунча ишларни қилган Президентимиз ҳали буларни ҳам изга солиб қўяди. Шу юртнинг нонини еб, сувини ичиб, тузлиғига тупурадиганларнинг косаси ҳеч қачон оқармайди, шуни билиб қўйинг, - аёл шашт билан ўрнидан туриб, даврадан йироқлашди.

Катта-кичик "қойил", "хотин киши бўлсаям, гапнинг ўғил боласини айтди", дея бирин-кетин тарқалдилар. Ҳалиги одам ўтирган жойида мунғайиб қолди. Кулча юзли, ўрта бўйли, тетиккина бу аёл Наманганнинг Шаҳанд қишлоғида истиқомат қиладиган Буробия Холматова экан. Опа, "жуда бекаму кўст яшаяпмиз, деёлмайман. Чунки давлатимиз эндигина қаддини тутяпти. Аммо фарзандларимиз биздан бадавлат ва бахтли яшашига ишонаман", дейди кўзлари чақнаб.

Иттифоқо, Америкада уч ой яшаб келган кекса бир хотин билан танишиб қолдим.

(Давоми 2-бетда)

# ФЕРМЕР

***Фермер бўлиш, мулкдан унумли фойдаланиб бой бўлиш осонми? Албатта йўқ. Ҳаловатдан кечган, ақлни ишлатиб, ҳар бир харажатнинг тийин-тийинигача чўтга ташлаб тадбиркорликка шўнғиган кишиларгина ниятига етади. Бундай кишиларни она заминнинг ўзи элга танитади. Уларнинг меҳнатини ҳар қанча шарафласанг оз. Аслида гап мақтовда эмас. Зўр фермернинг иш тажрибаси бошқаларга ибрат бўлишида.***

Фермер саҳифасининг навбатдаги сонини Бухоро вилоятига бағишладик. Бунинг боиси, тупроғи оғир, ери шўрланган жойда деҳқону чорвадор қандай нафас олаяпти? Уларнинг "боғидан" мева ундириши қийин кечмаяптими? Таъминотчию банкир фермерга елкадошми? Деҳқонни қийнаётган ташвишлар, муаммолар борми? Ана шуларни билиш, билиб яна бир карра фермер бобога "ҳорманг" дейиш.

## ОСОН ЭМАС БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

-Рақобат. Беҳаловатлик, янгиликка интилиш дегани бу. Озгина эътиборсизлик ё лоқайдлик қилдингизми бас, ўрнингизни бошқалар эгаллаб олади, - дейди Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги раҳбари Мақсуд Муҳамедов. – Шунинг учун фермерларга елкадош бўлишга, унинг машаққатини енгил қилишга интилаяпмиз. Аввало фермерларнинг ҳуқуқий онгини, шартномавий муносабатлардаги мавқеини оширишга интилаяпмиз. Токи маҳсулот етиштириб сотувчи билсин: ҳосилни қанчага, қачон сотади-ю, пулини қайси муддатда олади. Йиллик бизнес-режа шунга яраша тузилади.

(Давоми 3-бетда)

**ЭЪЗОЗ**

***Хотира – муқаддас, хотира – таскин. Негаки, кимнидир қумсаб юрак ғуссага тўлганда, суратларни титкилаб, қабрларни излаб қоламиз.***

Соғинч ўртаган лаҳзаларда бир сиқим тупроқ тўтиёга айланади. Улуғ шоир ва мутафаккир мир Алишер Навоийни соғинган эл учун муқаддас қадамжолар кўп. Қолаверса, у зоти шарифнинг қутлуғ қадами теккан "сайқали рўйи замин" Самарқанднинг дарвозалари ҳамиша очиқ.

## "НАВОИЙ ҲАМ ЁТАР ТО РЎЗИ МАҲШАР ТАРКИ ХОБ АЙЛАБ"

...Бизнинг эса Навоий хокини кўзга суртгимиз, унинг мангу хобгоҳи узра икки калима Қуръон тиловат қилгимиз келади.

(Давоми 4-бетда)

# ПАНАДАГИ "ТИЖОРАТ"

***Бозор иқтисодиёти шароитида миллионер бўлишнинг иккита йўли бор: биринчиси – очиқ иқтисодиётда иштирок этиш, иккинчиси эса аксинча – ёпиқ, пинҳоний "тижорат"да қатнашиш. Юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи йўл албатта қийин ва заҳматлироқдир. Иккинчиси эса... бу йўл ҳам силлиқмас, доимий ҳадик билан ишлаш ва яшашдан иборат. Аммо сиз-у бизга, давлатимизнинг равнақига биринчиси кони фойда бўлса, иккинчиси кони зарардир. Биринчисидаги даромаддан бутун халқ баҳраманд бўлса, иккинчи йўналишдаги даромаддан бир ҳовуч худбин кимсалар манфаатдордир.***

**НАЗОРАТ**

Сурхондарё вилоятида ўтган беш ойлик ҳолатга кўра қонунларни четлаб, "бой" бўламан, деган хаёли хом шахслардан 5 миллион 635 минг сўм жарималар ундириб олинган. Уларга "бойлик" келтириш учун хизмат қилган 78 миллион 631 минг сўмлик восита ашёвий далил сифатида олиб қўйилган, шундан қарийб 53 миллион сўмлиги суд қарорлари асосида давлат фойдасига мусодара қилинган. Қўштирноқ ичида миллионер бўлишни астойдил истаганлардан ҳаммаси бўлиб 186,5 миллион сўмдан зиёд маблағлар ундирилган.

Миллионер бўлиш учун доно бўлиш шартмас, озгина ақл бўлса бас, деб тушунганлар охир-оқибат пешона деворга "тарс" этиб теккач, "хато қилдик, ақлнинг ўзи етмаскан, доно бўлмоқ керак эркан", дея надоматлар чекиб қолишмоқда. Тўғри-да, ақл-фаросати расо бўлмаган киши бойлик орттириш ҳақида бошини ҳам оғритиб ўтирмайди, унинг учун куни ўтса бўлди-да.

(Давоми 2-бетда)

**ИНСОН ЎЗИНГ!**

***Тошкўзи қуруқ поя юкланган "муравей"ини хашак бозорига кираверишида тўхтатди.***

Шошиброқ турган, нарса олганда унча-мунча пулнинг юзига бормайдиган харидор бозор ичкарисига кириб юрмай шу ернинг ўзидаёқ ишини битириб кетишини у жуда яхши билади. Ўтган бозор кунгидай айтганига индамай олиб кетаверадиган биронта "кўр" харидор илиниб қолиши мумкин-да яна.

## ИНСОФГА КИРДИ

Ўзи бу сафар ҳам иши юришиб, шундай чиройли поя унга жуда арзонга тушди. Маҳаллаларидаги Майрам кампирни "поянгиз унақайкан-бунақайкан", деган баҳоналар билан авраб, боғини йигирма уч сўмдан насияга олди. Пули бор эди, бозор олдидан ирим қилиб бермади. Бозорда бу поянинг боғи етмиш сўмдан камига кетмайди.

(Давоми 4-бетда)

# ЖАҲОЛАТГА ЕТАКЛАГАН ЙЎЛ

***Сафина онасиникига бир неча бор қўнғироқ қилди. Не ажабки, ҳеч ким жавоб бермасди. Сафинанинг юрагига ғулғула тушди. Онаси бирон жойга кетаман, демаганди. Соғлиғи ҳам тунов куни бориб кўрганида жойида эди. Қаерда бўлиши мумкин?***

Бетоқат бўла бошлаган Сафина Шайхонтоҳур тумани Марказ-14 даги 12-уйда истиқомат қилувчи онаси – Мининур Муликованинг олдига ошиқди. Онаси ёлғиз яшар, тирикчилик учун рўмол тўқиб бозорга олиб чиқар, тунаб қолиш учун ижарага одам қўяр, ҳар ҳолда ёши етмишдан ошиб қолган кампир ҳали тетик, ўз кунини ўзи кўрарди.

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

Эшик қўнғироғи узлуксиз жиринглаcа-да, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шунда ёнидаги калитни қулфга солди. Эшик очилиши билан димоғига бадбўй ҳид урилди. Сафина талвасада қолиб хоналарни бирма-бир кўра бошлади. Энг сўнггида ошхонага кирганида даҳшатдан тош қотди. Онасининг қонга беланиб ётганини кўрди-ю, дод солиб беҳуш йиқилди.

***

Кузнинг охирлаб қолган палласи. Чорсу меҳмонхонаси олдида пойтахтга келиб бошпанасиз қолган ва ижарада турмоқчи бўлганлар тўпланишади. Мининур ая ҳам ижарага қўйиш учун икки-уч одам топгани келганди. Шунда бир йигит ва қиз унинг эътиборини тортди. Ёнларига борди. Улар тунаш учун жой сўраб туришганди.

-Мен уйимга олиб кетаман, - деди ая. – Киши бошига бир кеча учун бир ярим минг сўм.

Йигит ва қиз аянинг ортидан эргашишди.

***

(Давоми 2-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ҚАРЗДОРЛИК "ПОЙГАСИ"

ЖЎМРАКДАН ОҚАЁТГАН СУВ

ҚЎШНИНИНГ ҲАҚИ

# МЕН – СЕНИНГМАН, СЕН – МЕНИНГ!

(Боши 1-бетда)

Оёғи оғриб, Олтиариқ туманидаги сиҳатгоҳга даволаниш учун қатнаркан: "Одамзотнинг табиати қизиқ. Шундоқ жойда шунча вақт туриб даволанмасдан, шу чўлу маликка даво излаб келаётганимга ўзим ҳам ҳайронман, - дейди аёл атрофга энсаси қотиб қараркан. – Бу ерларда ўн саккиз кунни қандай ўтказарканман, уч кун ҳам туролмасам кераг-ов".

Аёл билан орадан ўн олти кун ўтгач, яна учрашдик.

-Ёшим етмишдан ўтди. Тошкенти азимда яшадим. Аммо Ўзбекистонда мана шундай бир маскан борлигини билмаганимдан афсусландим. Одамларнинг меҳрибонлигини, бағрикенглигини айтмайсизми?! Ҳе,бу ернинг бир гиёҳига Америкада ўтган кунларимни арзитмайман.

Америка ҳақида оғзидан бол томиб сўзлаган онахон қайтар чоғида чўлнинг тупроғини кўзларига суртди. "Бу олтин тупроғи, бағри кенг, меҳрибон одамлари билан Ўзбекистонимиз ҳали Америкадан илгарилаб кетса ажабмас". Қизилтепадан қайтар экан, Азиза ая машина ойнасидан нигоҳларини узмай ортга қарайди.

Ўтган йили бир хонадонда ажиб манзаранинг гувоҳи бўлдим. Уй тўрида Президентнинг сурати осилган, давлат байроғи, мадҳия матни. Тўлқинланиб кетдим. Ёшгина, оддий ўзбек хонадони. Хонадон бошлиғи эндигина мактабга бораётган фарзандига остона ҳатлаб кўчага чиқишдан аввал байроқни тавоф этиб, "Бисмиллоҳ"ни айтишни уқтиради. Мустақилликнинг дастлабки йиллари хонадон соҳиби истиқлолнинг истиқболига унчалик ишонқирамай қарагани ёдимга тушди. Бугун унинг қалбига, наинки у, эндигина улғайиб келаётган фарзанди қалбига кириб борган Ватан меҳри, ғурури юрагимда ажиб қониқиш уйғотди. Шу ўринда, туманимизда вақтинча яшаб, ишлаган бир олмон муаллимнинг "бизда ҳар бир хонадонда давлат байроғи сақланади. У кўз очиб ўзини таниган ҳар бир немис фуқаросида ватанпарварлик туйғусини уйғотишга хизмат қилади. Байроғи кўз олдида турган одам ҳеч қачон унинг оҳорини тўкмайди", деган гапларини эсладим.

-Менга бир нарса тинчлик бермайди, - дейди ҳалиги йигит (исми Бахтиёржон). – Ватанимиз мадҳиясини ҳаммаям ёддан билавермайди. Бирлашган Араб Амирликларида футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш босқичи ўйинидан аввал Ўзбекистон ҳамда Амирликлар давлат мадҳиялари янгради. Миллий жамоамиз йигитлари қўлларини кўксиларига қўйганича, мадҳиямизни тинглаб турдилар, араб футболчилари эса давлат мадҳияларини баралла ўзлари ижро қилишди. Менимча, бунга ҳам эътибор бериш керак. Мадҳияни куйлаш жараёнида инсон жисмига Ватан меҳри оқиб киради-ку!

Эшитяпсанми, тарих чархпалагида айлана-айлана, ўзини, ўзлигини топган, янги аср бошидан қад кўтараётган озод Ватан! Сени оддий деҳқон аёл ҳам, кекса она ҳам, ёшгина, навқирон йигит ҳам ўзим, ўзлигим деб атайди. Сенга тикан кирса, уларнинг юрагига наштар қадалади. Камолотингни ўйлаб ғурурланишади, умидли эртанг учун курашадилар. Демак, йўлинг ойдин, келажагинг ёруғ.

***Танда қонимсан, Ватан,***
***Ширин жонимсан, Ватан,***
***Пок иймонимсан, Ватан,***
***Мен – Сенингман, Сен – менинг.***
***Ойдин йўлда ғоянгман,***
***Таянгувчи қоянгман.***
***Халқман, Сенинг болангман,***
***Мен – Сенингман, Сен – менинг.***
***Ҳаётман – яроғингман,***
***Кўзингда қароғингман,***
***Ўлсам-да, тупроғингман,***
***Мен – Сенингман, Сен – менинг.***

**Ҳадичахон КАРИМОВА,**
**Фарғона вилояти Охунбобоев тумани, "Истиқбол йўли" газетаси муҳаррири.**

# ПАНАДАГИ "ТИЖОРАТ"

(Боши 1-бетда)

Сариосиё туманидаги "Шаргун" кўмир бошқармасининг ўзларини "ақл"ли ҳисоблаган айрим мансабдор шахслари "бизни ҳеч ким фош этолмайди", деган хом хаёл билан 2001 ва 2002 йилларда қўшимча қиймат солиғини атайлаб камайтириб, давлатга 25 миллион 236 минг сўм миқдорида зарар етказишгани ногаҳон фош бўлганида "ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, биздан-да донолар бор экан", деб бошларини чангаллаб қолишди. Бошқарманинг бош ҳисобчиси Надежда Кондратова "ҳар қандай тафтишчининг оғзини мойлаб, "нафасини ўчираман", дегандек автожамланма участкаси собиқ бошлиғи Бўриқул Алиқулов билан ўзаро тил бириктириб, марказий омбордан олинган ва Бўриқул Алиқуловга ишониб топширилган 18 дона турли русумдаги юк автомобилларига тегишли 4 миллион сўмлик шиналарни ва 676 минг сўм турадиган аккумуляторларни сохта ведомостлар билан чиқим қилиб, ўзлаштириб юборишган. Оқибатда сўнгги бор келган тафтишчилар билан мулоқот уларга ниҳоятда қимматга тушади.

Бугун биз XXI асрда яшаяпмиз. Саноатимиз ҳам, техникамиз ҳам гуркираб ривож топмоқда. Қолаверса, инсон саломатлигини муҳофаза этиш давлатимизнинг доимий назоратида. Шундай пайтда сифати кафолатланмаган, эски усулларда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва бошқа истеъмол маҳсулотларига бозорларимизда ўрин бормикин?!

Шеробод туманидаги "Пошхурт" қишлоғида яшовчи Зулфия Мейлиева қўшниси Болта Имомқуловни аврайди. "Энди қўшни, гап бундай, гилам сотсанг қўшнига сот, бир четида ўзинг ўтирасан. Ҳозир шундай ҳур замон келдики, "жичча" каллани ишлатсанг, бир дунё пулнинг тагида қолишинг мумкин. Хуллас, менда битта режа бор..." Зулфия Мейлиеванинг режаси ҳамсояга мойдек ёқиб, мой эмас, ош тузи ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга "келишиб" олишади. Юмалаб-юмалаб келадиган бойликка ҳавас қисқа фурсатда "план"нинг амалга ошишини ҳам таъминлайди.

-...Манави 5 та туз соладиган куракча, 4 дона туз пакетларини елимлайдиган электр мосламаси, 1 дона "электро-распредител", 800 дона туз солинадиган махсус халтачалар ва 570 минг сўм турадиган манави 15 тонна ош тузининг ҳам энди сизларга кераги йўқ, - дейишади далолатнома тўлдиришаётган рейд ходимлари.

-Унчалик кўпмас, бор-йўғи 1 миллион 423 минг сўмгина соф фойда қилувдик... тешиб чиқди, - дейишади икки қўшни бошларини эгишиб.

Жарқўрғон туманидаги 415-ихтисослаштирилган кўчма механизациялашган корхона раҳбари Ҳайит Қаршиев ҳузурига бир куни ўзини "тадбиркор"ман деб таништирган Баҳодир Олмосов кириб келади ва мўмай пул ишлаш борасидаги "ажойиб" фикрларини қалаштириб ташлайди. Табиийки, Ҳ.Қаршиев энг оддий, унчалик гап тегмайдиган йўлни танлайди, яъни Б.Олмосовга ҳеч қандай шартномасиз, корхона биносидан жой ва уч фазали электр энергиясидан фойдаланишга рухсат беради. Аканг қарағай Баҳодир Олмосов эса ноқонуний йўллар билан олиб келган резина хомашёсидан қуйма калиш ишлаб чиқара бошлайди... 160 жуфт калиш, 50 килограмм резина, 16 жуфт қўлбола қолип мосламасининг мусодара қилингани ёки 415-ИКМКга етказилган 476 минг сўм зарар ҳам майли-я, иккала "ишбилармон"нинг терговга чопиши-ю, суднинг қора курсисида ёнма-ён ўтиришгани чатоқ бўлди-да.

Жарқўрғондаги "Сурхон" деҳқон-фермер хўжалиги уюшмасида яшовчи Бахтиёр Алимардонов эса 3200 килограмм чигит ва 1 дона ёғ ишлаб чиқарадиган мойжувоз мосламасини рейдчиларга қўшқўллаб топширдида, костюмини елкасига ташлаб, кўплаб саволларга ёзма равишда жавоб бериш учун тергов ходимларининг ҳузурига йўл олди.

Экспорт, бартер ва консигнация контрактлари бўйича валюта маблағларини "Лазги"га рақс туширишнинг ҳадисини олганлар ҳам учраб туради. Бундай тармоқда ишлайдиганлар миллий сўмдамас, нақ "кўки" билан иш битиришни истаб қолишади. Шеробод тумани ҳокимининг 2001 йил 18 май кунидаги 250-сонли қарорига асосан ташкил топган "Шаҳзод" хусусий фирмаси аъзолари (эгалари) Азим Акрамов, Искандар Акрамов ва тошкентлик Алберт Мухиевлар Андижон вилоятида жойлашган "Чуама" акциядорлик жамиятини, Хоразмдаги "Гурлан" ҳиссадорлик жамиятини, Бухоро вилоятидаги "Қоракўл-тестил" корхонасини жами 283 минг 716 АҚШ долларига чув тушириб, улардан олинган пахта ипи калаваларини Россия ва Украинадаги хусусий корхоналарга жўнатишади ва хориждан ҳеч нарса келтиришмайди, иқтисодий зарарни ундириш чораларини ҳам кўришмайди. "Шаҳзод" фирмаси солиқ идораларига солиқ ва бошқа тўловлар бўйича ҳисобот ҳам топширмайди, даромадларини атайлаб яширади.

Сариосиё туманидаги Йўлдош Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи Абдурашид Алиев ва "Ўзсаноатқурилишбанк"ининг Шарғун филиалига қарашли бўлган валюта айирбошлаш шоҳобчасининг ғазначиси Нодира Сафарова хуфёна тарзда тил бириктириб, жуда кўп миқдордаги валюта қимматликларини бошқа шахсларнинг фуқаролик паспортлари билан олди-сотди қилиб юришади. Худди шундай ҳолат мазкур банкнинг Шаргун филиали етакчи мутахассиси Ҳуснитдин Қудратов ва қўриқлаш постида хизмат қилган милиция кичик сержанти Холмат Шариповларнинг "саргузашт"ларида ҳам кузатилди.

Солиқ ва валютага оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш, ички бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоялаш, яширин, хуфёна "тижорат"ни фош этиш, давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириш, валюта савдоси билан боғлиқ ноқонуний ҳолатларга барҳам бериш борасидаги олиб борилган тезкор ишлар натижалари қаторига яна кўплаб мисолларни киритиш мумкин. Хулоса шуки, фуқароларнинг ўйланмай ёки ўйлаб босилган қалтис қадамлари учун жазо муқаррар эканлигини тушуниб олсалар нур устига аъло нур бўларди.

**Хайрулла АСЛОНОВ,**
**Сурхондарё вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи.**

# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

***ГУЛИСТОН (ЎзА мухбири Т.Аҳмадалиев). Оқолтин туманидаги Усмон Носир номли хўжаликнинг дала шийпонида Сирдарё вилояти фаолларининг кенгаши бўлиб ўтди.***

Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги комиссияси томонидан агросаноат секторидаги ишлар аҳволи бўйича ўтказилган текширув якунлари муҳокама қилинди. Кенгашда туманлар ҳокимлари, тегишли муассаса ва бирлашмалар, деҳқон-фермер ҳамда ширкат хўжаликлари раҳбарлари, республикамиз вазирликлари, идоралари мутахассислари иштирок этди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари М.Юсупов вилоят далаларидаги ишлар аҳволи тўғрисида ахборот берди. Тадбирда вилоят пахта далаларида ғўза яхши ва қалин униб чиққани, аммо ривожланишдан ортда қолаётгани таъкидланди. Бунинг асосий сабаби -ғўза қатор ораларига чуқур ишлов бериш ва маҳаллий ўғит беришга эътиборсизлик билан қаралганидир. Сирдарёликларга бу ҳақда кўп марта айтилган бўлишига қарамай, кўпчилик бундан тўғри хулоса чиқариб олмаган.

Шунингдек, пойтахтлик мутахассислар вилоят хўжаликларидаги кўпгина культиваторларнинг ярмидан ози бутланганини бир неча бор қайд этди. Бироқ аҳвол деярли ўзгармаган. Шароф Рашидов туманидаги «Пахтаобод», Оқолтин туманидаги Укубоев номли ва бошқа кўплаб хўжаликлар пахта далаларида ягоналаш ниҳоясига етказилмаган. Вилоят пахтакорлари яхши ҳосил етиштириш учун барча керакли чора-тадбирларини кўриши лозимлиги таъкидланди. Комиссия аъзолари ғалла ўрими мавсумини ўтказишга доир маслаҳатлар ва тавсиялар берди.

Кенгашда вилоят ҳокими Р.Ҳайдаров сўзга чиқди.

# ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ

***Ғаллачилик мактабини ярата олган андижонлик миришкорлар дон тайёрлаш суръатини тобора оширмоқдалар. Ўрим-йиғимга пухта ҳозирлик кўрилганлиги боис ғаллазорларда ҳосил тайёрлаш бир маромда бормоқда. Ғаллакорлар ихтиёридаги 157 та "Кейс" комбайни ёрдамида кунига 3 минг гектардан ортиқроқ майдондаги дон янчиб олинмоқда. Жорий йилда 245,9 минг тонна, жумладан, 120 минг тонна уруғлик тайёрлаш вазифасини гарданига олган деҳқонларнинг кайфиятлари баланд.***

ХУШХАБАР

28 июн куни вилоятнинг икки туманида қисқа муддатда шартнома режаси бажарилганлиги фикримизнинг исботи. Избосканликлар 5957 гектар майдонда ғалланинг "Крошка", "Половчанка", "Чиллаки" ҳамда "Старшина" каби навларини парвариш қилишди. Оз фурсат ичида 20300 тонна дон тайёрлов идораларига топширилди. Унинг 9906 тоннаси уруғлик. Давлат шартномаси бажарилган кунда соҳадан 1 миллиард 952 миллион 400 минг сўм даромад олинди.

Избосканда ҳосилдорлик юқори дедик. Ўрим-йиғим ўтказилган майдонга нисбатан ҳосилдорлик 80 центнер атрофида бўлди. А.Тиллабоев номли, "Шарқ юлдузи", "Урганжи", "Ўзбекистон", "Чўнгбоғиш", "Гуркиров" каби хўжаликларда бу борадаги кўрсаткич янада залворли.

Ижарачилар ўртасида Н.Жўраев номли хўжалик ғаллакори Қобилжон Парпиев илғорлик қилаяпти. У 5,3 гектар ерда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни 88 центнерга етказди.

Андижон тумани ғаллакорлари ҳам избосканликлар билан қадамма-қадам дон тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажаришди. Экин майдонларининг асосий қисми адирликда жойлашган бўлишига қарамасдан дон ҳосилдорлиги ҳамиша барқарор. Жумладан, Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари режани вилоятда биринчи бўлиб бажаришди ва ҳосилдорликни 81 центнерга етказишди. Т.Мирзаев номли, Б.Омонов номли, И.Патидинов номли, "Шарқ юлдузи", "Ҳақиқат", "Ўзбекистон" ва "Гулистон" хўжаликларида ҳам шундай юқори ҳосилдорлик мавжуд.

Юқори ҳосил етказишнинг омиллари анчагина. Манфаатдорлик эса ҳамиша биринчи ўринда туради. Ижарачилар ва фермерларнинг ана шундай интилишлари эвазига туманда йилдан-йилга муваффақиятлар кўпайиб бораётир. Собиржон Исабоев, Фахриддин Қурбонов, Абдулаҳат Отақўзиев, Юлдузхон Ўринбоева сингари ижарачи ҳамда фермерларнинг эришган натижалари бунга гувоҳ. Изланиш ва интилиш туфайли 3830 гектар майдонда баракали ҳосил яратилди. Натижада давлат омбори ҳам, деҳқон бордони ҳам ўзимизнинг донга тўла. Режа бўйича белгиланган 12699 тонна ғалла тайёрлов корхонасига етказилди. Бу туманда ҳам ғалла уруғчилиги мавжуд бўлиб, 6197 тонна сара дон тайёрланди.

Избоскан ва Андижон тумани ғаллакорлари ўрим-йиғимни давом эттиришяпти. Далаларни сомондан тозалаш ва такрорий экинлар экиш бир-бирига боғлиқ ҳолда амалга ошириляпти.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**"Обод маҳалла йили" муносабати билан Томди туманида кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. "Аяк-қудуқ" ширкат хўжалиги марказида ҳашар йўли билан қурилган Хотира майдони ана шундай ибратомуз саъй-ҳаракатлар маҳсули бўлди, десак янглишмаймиз.**

**СУРАТДА: К.Ражабов ва П.Мадраҳимовлар Хотира майдонини зиёрат қилишмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ЖАҲОЛАТГА ЕТАКЛАГАН ЙЎЛ

(Боши 1-бетда)

Ойбек энди йигирма тўрт ёшга кирган. У Иштихон туманида ўқитувчи оиласида туғилиб вояга етди. Лекин ўқишга уқувсизлиги, мактабни тамомлаб бирон иш ёки ҳунарнинг бошини тутмагани боис ҳозир аксар қишлоқ ёшлари сингари бекорчилик билан кун ўтказарди.

Ойбек тўсатдан Тошкентга кетадиган бўлиб қолди. Отасига пойтахтда ишлаб пул топиб келаман деди. Аслида кўнгил қўйган қизи Дилдора билан шаҳар айланиб келишмоқчи, "Сетора"нинг концертига тушишмоқчи эдилар. Шу тариқа ёшлар пойтахт томон ошиқишди.

Тошкентга етиб келишган куни кечгача шаҳар айланишди. Сўнг Чорсу меҳмонхонаси олдида тунаш учун жой излашди. Бахтларига бир кампир уларни шинамгина уйига олиб кетди. Энди икки-уч кун тунаш учун бошпанали ҳам бўлишганди.

"Сетора"нинг концертига билет топиша олмади. Лекин бунинг эвазига пойтахтнинг энг гўзал жойларига бориб дам олишди. Шаҳардаги танишларини излаб топдилар. Хуллас, уч кун йигит ва қиз яйраб ҳордиқ олдилар. Аммо негадир бу ердан кетишни исташмас, ёнларида чўғи камайиб бораётган пулни ҳам бемалол сарф қилишарди.

Охири ҳатто тунаш учун ҳам пуллари қолмади. Шунда Мининур аяга Дилдоранинг паспорти ва сумкаси гаров тариқасида берилди. Қарз пулларини бир кундаёқ топиш шарти билан йигит ва қиз уйдан чиқиб кетишди.

Ойбекнинг Тўйтепадаги ҳарбий қисмда старшина бўлиб ишлайдиган ўртоғи Шуҳратни излаб боришди, бироқ Шуҳрат госпиталда экан, топишнинг иложи бўлмади. Сўнг "Олой", "Фарҳод" бозорларида савдо қиладиган қишлоқдошларини излашди. Афсуски, ҳеч бирини учратиб бўлмади.

Кузнинг изғирини этни жунжиктирар, кўчада қолиб ҳам бўлмасди. Чорасиз қолган йигит ва қиз бир кеча яна Чорсу меҳмонхонаси олдига боришди. На пули ва на бирон ҳужжати бор бу бошпанасизларни ҳеч ким уйига қўйишни истамади. Ахийри Носир исмли бир киши уларни уйига олиб кетди. Эртасига Ойбек эгнидаги жемперини гаров сифатида у кишига қолдирди-да, Дилдора билан яна сарсон-саргардон шаҳар кезишди.

Энди бир иложини қилиб Мининур аяни кўндириб, у гаров сифатида олиб қолган Дилдоранинг паспорти ва сумкасини қўлга киритишлари, бир-икки кун ўша ерда тунаб яна ҳамқишлоқларини излаб топишлари, улардан қарзга пул олиб Иштихонга қайтишлари керак эди.

Мининур ая йигит ва қизнинг чорасиз қолишганини тушунгандай бўлди. Уларни уйига киргизди. Бироқ негадир бирон соат ўтмай вазият ўзгарди. Ая йигит ва қиз ўтирган хонага кириб ижарага бошқа одам қўйишини, лекин паспорт ва сумкани олиб қолиб, қачон ижара ҳақини олиб келишса, қайтариб бериши мумкинлигини айтиб, уларнинг чиқиб кетишларини талаб қила бошлади.

***

Асабийлашиб сарсон юрган Ойбекка негадир кампирнинг бу қилиғи ёқмади. Айниқса, Дилдоранинг олдида уни ҳақоратлашини гўё йигитлик ғурури кўтармади. Барча саргардонликка шу кампир сабабчидек нафратланиб кетди. Мана шу нафрат билан Дилдорага "Сен дам олиб тур, мен уни кўндираман", дея кампирнинг ортидан чиқиб кетди. Ошхонага кириб пайт пойлади. Унга эътиборсиз идишларни ювиб куймаланиб юрган Мининур аяга ташланиб, қўлига илинган ўқлов билан уни ерга ётқизиб бўға бошлади. Хириллаб қолган кампир ҳушидан кетди.

Шу лаҳзадаёқ Ойбек беҳуш ётган аянинг қулоғидан тилла зиракни ечиб олишни ҳам унутмади. Сўнг бошқа хоналарга кириб Дилдоранинг паспорти ва сумкасини излай бошлади. Шу пайт кампирнинг ҳушига келиб дод солаётгани қулоғига чалинди. Фурсатни бой бермай, яна ошхонага югурди.

Бақириқдан Дилдора ҳам ўрнидан туриб ошхонага йўналганди. Не кўз билан кўрсинки, ўша ўзи кўнгил қўйган йигит ваҳший қиёфада кампирнинг бошига ўқлов билан кетма-кет туширарди. Қонга беланган кампир шу лаҳзадаёқ жон таслим қилди. Дилдора ҳам қўрқувдан бақириб эшик томон югурди. Лекин Ойбек уни тўхтатиб қолди-да, гоҳ пўписа билан, гоҳ ялиниб-ёлвориб, йиғини бас қилишини, кампирга ҳеч нарса қилмаганини, шунчаки ҳушидан кетказгани ва у ҳушига келгунча иккаласи қишлоқларига жўнаб кетишини айтиб қизни овутишга ҳаракат қиларди.

Карахт ҳолда қолган қизни ҳовлида кутиб тур, дея уйдан чиқариб юборди. Дилдоранинг сумкасини топдию, бироқ паспортини шунча ахтармасин, қўлга кирита олмади. Кейин кампир тўқиган ва бозорда сотмоқчи бўлган саккиз дона рўмолни ва меҳмонхонадаги рангли телевизорни ҳам чойшабга ўрадида (жами 320 минг сўмлик мулкни босқинчилик йўли билан эгаллаган эди), ҳовлида йиғлаб ўтирган Дилдорани етаклаб такси кира қилиб, "Ипподром"га жўнашди. Йўл-йўлакай кампирнинг зирагини "Олой" бозорида 29 минг сўмга сотиб ҳам улгуришди.

Шу тариқа ёпиғлиқ қозон ёпиқлигича қолади, деган хомхаёлда ўз уйларига жўнаб кетишди.

***

Ойбекнинг кўтариб келган телевизорни "...ишлаб топган пулимга олдим", - деганига ота, она ишонди. Қувонишди. Ҳар ҳолда қишлоқда бекор юргандан кўра бир-икки сўм ишлаб топиб рўзғорнинг кам-кўстини қилиб қолганидан қувонмай бўладими?! Лекин... бу қувонч тез орада надоматга айланди. Ойбекни милиция ходимлари Тошкентга олиб кетишаётганида отанинг ҳам, онанинг ҳам бутун қишлоқ олдида боши эгилди.

Ойбек дунёга келганида олам орзулар билан унинг камол топишини истаган, унга умид нигоҳини қадаб келган ота-она ўз ўғилларининг бир инсон умрига зомин бўлиши, қотилликка қўл уришига ишонгилари келмасди. Ҳақиқатда эса... Ойбек Номозов қонунни четлаб ўтолмаслигини англагач, ҳамма айбни ўз бўйнига олди. Ўн саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди.

***

"Дилдора-чи? Бу қизнинг тақдири нима бўлди?" деган савол ўқувчини қизиқтириши табиий.

Мазкур жиноят иши бўйича Д.Худойқулова ҳам судланган бўлиб, дастлабки тергов даврида унга тегишли жиноят иши ҳужжатлари бўйича М.Муликовани қасддан ўлдириб, мулкини босқинчилик йўли билан эгаллаш жиноятида далолатчи сифатида иштирок этганлиги тасдиқланмаганлиги боис, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан унга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилди. Дилдорага нисбатан оғир жиноятни била туриб тегишли жойларга хабар бермай, яширганлиги учун уч йилга қамоқ жазоси тайинланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисидаги Фармонига мувофиқ қиз жазодан озод қилинди.

**Норқувват ЯНГИБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси.**

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЖАЗО

***Қўриқ Қоровулбозордаги хўжаликлардан бирига раис бўлган Эшмирза Ризаевнинг чўнтаги пул кўриб, кўнгилхушлик кўчасига кирди.***

Ўз қўли остида ишлаётган кўҳликкина аёлга хушомад қила-қила охири шум ниятига етди. Аммо ғалванинг каттаси олдинда экан. Аёлнинг гулдай оиласи бузилди, болалари тирик етим қолди. Яра газак олганини кўрган раис ўзи туғилиб ўсган туманга жуфтакни ростлаб жон сақлади.

Тарки одат – амри маҳол, деганлари чин экан. Бу ерда ҳам бир юмалаб раис бўлиб олган Ризаев эски одатини канда қилмади. Кечаси машинасида ширакайф ҳолда қайтаётиб, қишлоқ йўлида бир чолни туртиб юборди. Ҳалиям худо сақлади. Карим бобо омон қолди. Раис "Орган билмагани маъқул, бобойга ўзим қарашаман", деб чолнинг ўғилларини бир амаллаб тинчитди. Аммо кўп ўтмай, ваъдасини унутиб юборди.

Яқинда қишлоқда "Эшмирза раис тузалмас дардга мубтало бўлибди", деган гап тарқалди. Бу шунчаки бир гапдир-да, деган ўйда ўша хўжаликда бўлдик. Чиндан ҳам Ризаев касал экан. Раисликдан олишибди. "Эси жойида эмас", дейишди. Биров уни Қоровулбозорда тирик етим қолган болалар уволи тутди деса, биров раисни қарғиш урди, деб автоҳалокат туфайли оқсоқ бўлиб қолган чолни эсга олди. Тепада Худо бор, деганлари балки шудир.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

## ЁТИБ ЕЙИШ МАЗЗА

***Мамарайим қишлоқнинг тинимсиз оғир меҳнатидан безиб кетди. Ишламаса ҳам бўлмайди-да! Оила, бола-чақа дегандай. Уларни боқиш керак. Шунда Мамарайимнинг соддалигидан фойдаланиб, ҳазилкаш дўстларидан бири маслаҳат бериб қолди:***

-Жўра, аҳволинг чатоққа ўхшайди, рангингда ранг қолмабди. Менга қара, сен Бухорога боришинг лозим.

-Нимага, Бухорода яшаш яхшимикан? – ажабланди Мамарайим.

-Э, жуда зўр. У ёққа борсанг, салгина ишга ҳам фалон пул оласан, еганинг олдингда, емаганинг кетинг-да. Қисқаси, Бухорога борсанг ётиб ейсан, - дея насиҳат қилди дўсти. Шу пайтдан бошлаб Мамарайимнинг тинчи йўқолди. Ҳовлисидаги битта-ю битта сигирини ҳам хотинининг дод-войига қарамай, йўл харажатлари учун бозорда сотиб келди. Эртасига "Қайдасан, Бухоро", дея йўлга тушди...

Дастлаб 5-6 кун иш тополмай жуда қийналди. Кейин иш ҳам топилди. Лекин азоби минг чандон зиёд. Тонг отмасдан ишга отланади, шомда ҳориб-чарчаб, ижарага олган уйига кириб келади.

-Вой жоним-эй, бутун танам оғрияпти, - зорланади Мамарайим.

-Ухланг-ухланг, - ҳамхоналари тасалли беради, - ухласангиз ҳордиғингиз чиқади.

Аҳвол шу даражага етдики, Мамарайим ётиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, ўрнидан туришга мажоли келмай, бир бурда қотган нонни дўсти айтганидек, ётиб еди.

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

# МОЛИЯЧИ МАЛАКАЛИ БЎЛСА...

ФИКР

***Ҳозирги кунимиздаги энг асосий вазифалардан бири маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини мустаҳкамлашдан иборат. Маҳаллий ҳокимият органлари бюджет ижроси молиявий интизомга риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади.***

Зарур ҳолларда бюджет ижроси жараёнида уни қайта кўриб чиқади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, кам таъминланган оила ва шахсларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ҳокимият органлари молиявий масалаларни тўғри ҳал қила олишига боғлиқ. Бунда маҳаллий бюджетга тушадиган солиқ ва йиғимларнинг тури, миқдорини белгилаш алоҳида ўрин тутади.

Маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига уларга тегишли ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги юмушларини қай даражада ижобий ҳал этилиши кўп жиҳатдан бюджет маблағларига боғлиқ.

Баъзи молия идоралари томонидан бюджет харажатларининг белгиланган лимитдан ошиқча сарфланишига йўл қўйиш ҳолатлари ҳанузгача давом этмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш, бюджет харажатларининг самарадорлигини ошириш уларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш талаб этилади. Шу сабабли молия идоралари ходимларининг малакасини оширишга қаратилган узлуксиз ўқув дастури ишлаб чиқилиши ва уни амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга молик.

Ҳар бир фуқаро тўланаётган солиқлар қаерга, нима учун ва қандай мақсадларга сарфланаётганлигидан хабардор бўлиб туриши учун матбуотдан фойдаланиш, айниқса, маҳаллий солиқларни ундиришда халқ орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш яхши самара беради. Маҳаллий бюджетлар маҳаллий солиқ ва йиғимлар ҳамда умумдавлат солиқларидан улар ихтиёрига қоладиган ажратмалар, зарур ҳолларда бериладиган дотациялар ҳисобидан шаклланади. Харажатлар эса таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби соҳаларга йўналтирилади.

**Обид МАНСУРОВ,**
**Тошкент молия институти магистранти.**

